

ИПАК ЧИҚИНДИЛАРИДАГИ ЁҒ МИҚДОРНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

доц. Н.М. Исламбекова, талаба Н.Ўролов, асс. С.Патхуллаев
Тошкент тўқимачилиқ ва енгил саноат институти

Ипак йиғиришнинг хомашёси бўлган холстдаги ёғ миқдори ўрганилиб, уларни кимёвий усул билан бартараф қилиш йўллари кўриб чиқилган. Ёғсизлантириш учун кимёвий модда тури ва ишлов бериш вақти аниқланган. Корхонада шу усулни қўллаш учун тавсиялар берилган.

Изучена количество жира в холсте-сырья шелкопрядения, и рассмотрено пути удаления жира химическим методом. Установлено время переработки и тип химических веществ для обезжиривания. Дано рекомендация для использования метода в предприятиях.

It is studied quantity of fat in a canvas-raw materials silk-noil spinning, and it is considered ways of removal of fat by a chemical method. The overtime and type of chemical substances for degrease is established. It is given the recommendati In the enterprises.

Ипак йиғириш корхонасига келтириладиган барча турдаги хомашёлар техник назорат бўлими текширишларидан ўтади. Хомашёни сифат кўрсаткичлари аниқланиб, улар асосида қайта ишлаш технологик жараёни белгилаб берилади. Бу жараённи ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи назорат қилади. Технологик жараёни бузилганини кўрса уни зудлик билан тўғрилаш чораларини кўради [1].

Ипак толаси серицин ва фиброиндан иборат бўлиб, серицин 20-30% ни ташкил қилади. Кейинги технологик жараёнда толанинг ишлов даражасини ошириш учун ундаги серицин ҳамда ёғ миқдорини меъёрига келтириш зарур [2]. Ёғсизлантириш ва елимсизлантириш жараёни хом ашёдаги серицин ва ёғ миқдорларига боғлиқ бўлади. Шунга боғлиқ холда табиий ипак толали чиқиндилари 3 гуруҳга бўлинади: Серицини кўп бўлган хом ашё; серицини ўртача миқдорда бўлган хом ашё; серицини кам бўлган хом ашё. Шу билан бирга келиб чиқиши ва ишлов берилиш жараёнига қараб, хом ашёда қанча серицин кўп бўлса, ёғ миқдори кам бўлиши ва серицин кам бўлганда ёғ миқдори кўпайганлиги кузатилди. Ёғсизлантириш ва елимсизлантиришда хомашё турига қараб, қуйидагича моддалар ишлатилади: совун, кальцийланган сода, триполифосфат, СФМ, перикс водород.

Пилла қобиғида ёғ миқдори 0,34% қазноқда 5,40%, пилла лосида 0,43% эканлигини аниқладик. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ёғ миқдори кўп бўлган хом-ашё қазноқ бўлиб чиқди. Бизга маълумки технологик жараёнларда қазноқ қайта ишланиб, холст олинади. Технологик жараёнларда холстдаги ёғ миқдори қанча бўлишини билиш

катта аҳамиятга эга. Биз тадқиқот ишимизда казнокка ишлов бериб холст олингандаги қолган ёғ миқдорини аниқладик.

1-жадвал

Хомашёдаги ёғ миқдори

Намуна	Ёғ миқдори, %
Қазнокни буғлашдан олдин	7,21
Қазнокни буғлагандан кейин	11,5
Силлик юзали барабандан ечилган холст	3,7
Ювиб қуритилган холст	1,33

Қазнок юмшаб тола ажралиши осон бўлиши учун, қайнаган сувда буғланади. Буғлаш натижасида ғумбакдаги ёғ ҳам эриб, казнок пўсти қисмига сорбцияланади. Корхонада ишлатилаётган бу усул узок давом этади, кўп меҳнат талаб этади ва ногигиеник. Биз холстдаги ёғларни органик эритувчилар билан ишлов бериб, ёғсизлантириш имкониятларини ўргандик. Органик эритувчилар сифатида ацетон, этил спирти, бензин ва перхлорэтилен олинди. Уларни вақтга нисбатан холстдаги ёғни эритиши ўрганилди. Олинган натижалардан шу маълум бўлдики, бошқа органик эритувчиларга нисбатан перхлорэтилен 30 мин давомида ишлов берилганда холстдаги ёғ миқдори муқобил кўрсаткичга етди.

2-жадвал

Ишлов бериш натижасида ёғсизланиш ва сифатига таъсири

Ишлов бериш жараёни ва вақти	Қуруқ моддадаги ёғ, %	Қайнатилган дан кейин серицин, %	Мустах камлик, %	Чўзилиши, %	Нисбий мустахкамлик, км
Ишлов берилмаган холст	1,36	9,56	6,34	11,82	21,57
30 минут давомида перхлорэтилен билан ишлов берилгандан кейин	0,40	7,81	6,32	11,86	21,57

Олинган натижалар шуни кўрсатадики эритувчи билан холстни ишлов бериш орқали ёғ миқдорини қисқа муддат ичида камайтиришга эришилди экан.

Адабиётлар:

1. Х.А.Алимова. Ипак чикиндисиз технология. Ўқув қўлланма. ТТЕСИ босмахонаси. 2002 й.
2. К. Muruges Babu. Silk processing, properties and applications. Woodhead publishing Limited, 2013. 182 p.